
PhD, доцент Жаҳонгир Турсунов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ПЕНСИЯ РИСКЛАРИНИ АКТУАР БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада жаҳондаги пенсия тизимларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи, давлат пенсия таъминотининг турли моделлари ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари кўрсатилган. Шунингдек Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимини ишлаш механизми келтирилган. Пенсия тизимини тартибга солиш ва бошқаришда пенсия рисклари таҳлил қилинган. Пенсия таъминоти тизимида аниқ ислохотларни амалга оширишда пенсия рискларини актуар баҳолаш зарурлиги асосланган ҳамда таклиф ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: пенсия таъминоти, пенсия тизими, ижтимоий ҳимоя, риск, ижтимоий рисклар, пенсия рисклари

THEORETICAL AND PRACTICAL SIGNIFICANCE OF PENSION RISK ASSESSMENT

Abstract: The article shows the history of the formation and development of pension systems in the world, various models of state pension provision and the reasons for their emergence. The mechanism of operation of the pension system of Uzbekistan is also presented. Pension risks are analyzed in the regulation and management of the pension system. The need for actuarial assessment of pension risks in the implementation of specific reforms in the pension provision system is based and proposals and conclusions are formulated.

Keywords: pension provision, pension system, social protection, risk, social risks, pension risks

Кириш

Сўнгги йилларда пенсия тизимидаги муаммолар энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Пенсия тизимида таъсир этаётган омиллар, жумладан демографик ўзгаришлар, ишловчиларнинг пенсия тизимида қамров даражасини (қамров коэффициенти) пастлиги, пенсия таъминотининг етарли даражада эмаслиги (қоплаш коэффициенти), иқтисодий ва молиявий инқирозлар сабаб мазкур тизимни янада ислох қилиш, уни ҳозирги бозор иқтисодиётига мослаштириш борасида дунё

мамлакатларида, халқаро молия ташкилотларида кескин муҳокамалар кетмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш борасида Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича таъкидлади: “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.” (Мирзиёев, 2020)

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш” масаласи алоҳида мақсад сифатида келтирилган (ПФ-60, 2022).

Бугунги кунда пенсия тизимини ислох қилиш долзарб ҳисобланади. Пенсия тизимига таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги, пенсия рискларини назарий жиҳатдан ўрганиш, амалий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш ҳамда пенсия рискларини актуар баҳолаш орқали пенсия тизимининг ҳолатини ўрганиш, таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Пенсия тизимини аниқ ҳолатини баҳолаш учун бошланғич пенсия рискларини актуар баҳолаш зарур ҳисобланади. Бу эса пенсия тизимини тартибга солиш ва бошқаришга имкон беради.

Адабиётлар шарҳи

А.Соловьев, С.Донцова, Е.Кувалкиналар (2003) ўзларининг тадқиқот ишларида пенсия тизимига таъсир этувчи омилларни ўрганишга ва уларни актуар ҳисоб китоблар орқали рискларни хавфлилиқ даражасини тадқиқ қилишган.

П.Хан, Д.Кемптнер, Х.Люзенлар (2019) ўз тадқиқотларида 65 ёшгача умр кўриш ва умр кўриш давомийлиги ўртасида узвий боғлиқликни тадқиқ қилишган. Уларнинг таъкидлашича, ўртача умр кўриш давомийлиги пенсия тизими учун муҳим ва тегишли тақсимловчи оқибатларга эга: умрнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда Германия пенсия тизимидаги имтиёзлар ва устуворликлар ўртасидаги яқин муносабатларга қарамай, регрессив эканлигини аниқлашган.

А.В.Вахабов, Н.М.Мажидовлар (2017) ўз илмий изланишларида пенсия таъминотинг молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими ҳисобланишини, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурс ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатишини қайд этганлар.

Тадқиқот методологияси.


Мазкур мавзуни ёритишда таҳлил, индукция, дедукция, тизимли ва комплексли ёндашув усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Кекса авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш ва таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Ўтган даврга назар соладиган бўлсак, XVIII-XIX асрларда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши натижасида ижтимоий сиёсат ҳам ўзгариб борди. Германия канцлери О.Бисмаркнинг 1881 йил 17 ноябрдаги тарихий нутқи жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ижтимоий суғурта тизимининг пайдо бўлишига сабаб бўлди (Куклин, 2017). О.Бисмарк томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий суғурта модели Германияда мавжуд ижтимоий рискларни камайтиришга қаратилган ислохот бўлган.

Умуман олганда жаҳонда замонавий пенсия тизимларининг шаклланиши икки классик моделга асосланади: Бисмарк модели ва Беверидж модели. Бисмарк модели (1881 й.) ишчилар ва иш берувчиларнинг мажбурий суғурта бадалларига асосланган бўлиб, 70 ёшга етганида тўланган суғурта бадаллари асосида пенсия тўлаши белгиланган (Dawson, 1912). Беверидж моделида (1942 й.) барча учун минимал ижтимоий кафолат асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали мамлакатда фаровонликни таъминлаш ғояси ётади, аҳолига давлат томонидан бериладиган ижтимоий тўловлар уларнинг ижтимоий суғурта тизимида иштирок этган ёки этмаганлигидан қатъи назар тўланиши белгиланган (Beveridge, 1954).

Бугунги кунда дунё мамлакатларида пенсия таъминотининг классик моделларидан ҳеч бири асл шаклда учрамайди. Маълум бир мезонларга қараб жаҳонда кенг тарқалган ва барқарор фаолият кўрсатаётган пенсия таъминоти моделларини тизимлаштириш ва белгилаб олиш мумкин. Масалан, молиялаштириш манбаларига қараб: давлат, хусусий, аралаш; молиялаш усулларига қараб: тақсимланувчи, жамғариб бориловчи ва аралаш пенсия тизими кўринишлари мавжуд.



1-расм. Пенсия рисклари классификацияси(Куклин, 2017)

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими икки кўринишда ташкил этилган бўлиб, булар давлат пенсия таъминоти тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими. Мазкур пенсия тизимларини тавсифлашда “пенсия rischi” тушунчаси марказий ўринни эгаллайди, аммо бундай тушунча пенсия қонунчилигида келтирилмаган.

Риск – бу пенсия тизимининг квинтэссенцияси (ўзаги)дир. Пенсия рисклари турли хил бўлиб, пенсия билан боғлиқ рисклар бир вақтнинг ўзида демографик, иқтисодий ва молиявий рисклар билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Пенсия рискларини аниқлашда энг аввало экзоген ва эндоген омилларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Бунда экзоген рисклар макроиқтисодий рискларни ўз ичига олса, эндоген рисклар эса пенсия тизимида бевосита таъсир кўрсатади (1-расм).

Экзоген рискларда иқтисодий, молиявий ва демографик омилларнинг таъсири пенсия тизимига тўғридан-тўғри бўлмасада аммо молиялаштириш нуқтаи назардан жиддий таъсир кўрсатади. Эндоген рисклардаги омиллар эса бевосита таъсир кўрсатади.

Пенсия рисклари турли субъектлар (давлат, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, аҳоли) учун ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган (пенсия ёшига етиши, умр кўриш давомийлиги ва б.) маълум бир хавфлар гуруҳидир. Шунингдек пенсия рисклари пенсионерлар ва иқтисодий фаол аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини баҳолаш билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

I босқич – дастлабки	II босқич - тайёргарлик	III босқич - услубий
ижрочиларни излаш (мутахассислар, актуарийлар), тадқиқот гуруҳини шакллантириш	адабиётларни ўрганиш, маҳаллий ва хорижий тажрибаларга назар солиш, қонунчиликни таҳлил қилиш, жамғарма маълумотларини ўрганиш, статистикага мурожаат қилиш	рискларни баҳолашга услубий ёндашиш, уларни таҳлил қилиш, баҳолаш методологиясини танлаш, рискларни таснифлаш
IV босқич – аналитик ва статистик таҳли	V босқич – якуний	
статистик маълумотларни ишлаш, кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, таққослаш, корреляцион боғлиқликни ҳисоблаш, салбий тенденцияларни аниқлаш	баҳолаш кўрсаткичларини прогноз қилиш, актуар хулосаларни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ривожлантириш бўйича тавсиялар (дастурлар, стратегиялар), ценарийлар ишлаб чиқиш	

2-расм. Пенсия рискни актуар баҳолаш алгоритми

Ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнларнинг доимий ўзгариб туриши пенсия рискларини объектив баҳолашда табиий муаммоларни юзага келтиради. Бу эса пенсия рискларини актуар баҳолашни талаб этади. Актуар баҳолаш математик ва статистик усуллар (актуар ҳисоблар) ёрдамида маълум бир хавфни баҳолашдир.

Пенсия рискларини тўлиқ актуар баҳолаш алгоритми маълум бир босқичларга бўлинади ва буни қуйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда пенсия рискларини актуар баҳолашнинг маълум бир меъёрлари бирор бир қонун ёки қонуности ҳужжатларда келтирилмаган. Аммо мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлар томонидан пенсия рискларини актуар баҳолаш учун таклиф қилинган услубий ёндашувлар пенсия тизимининг демографик, ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва меҳнат билан боғлиқ рисклар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланади (1-жадвал).

1-жадвал


Пенсия рискини баҳолаш кўрсаткичлари(Куклин, 2017)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоб-китоблар
<i>Демографик рисклар</i>		
1	Аҳоли сони, млн. киши: аҳоли сонининг ўзгариши	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
2	Аҳоли ҳаракати кўрсаткичлари: – туғилиш, минг киши; – ўлиш, минг киши; – туғилиш даражаси 1000 кишига нисбатан; – ўлим даражаси 1000 кишига нисбатан; – табиий ўсиш (пасайиш).	(+) ўсиш / (–) пасайиш; (+) ўсиш / (–) пасайиш; $K_{t/o'} = \frac{\text{туғилганлар сони/вафот этганлар сони}}{1000}$ Табиий ўсиш = туғилганлар сони – вафот этганлар сони $K_{\text{табиий ўсиш}} = K_{\text{туғ}} - K_{\text{ўлим}} > 0$ Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
3	Ўртача умр кўриш, йил	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
4	Пенсия ёшигача етиб бориш хавфи, %	$E_x = \frac{l_{x+n}}{l_x} 100;$ x – ёш; l_x – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони; l_{x+n} – пенсия ёшидаги шахслар (эркаклар l_{60} , аёллар l_{55}); n – меҳнат стажи.
5	Вафот этиш хавфи (пенсия ёшига етгунга қадар)	$A_x = \frac{\sum d_x + d_{x+1} + \dots + d_{x+n-1}}{l_x} 100$ l_x – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони; d_{x-x} ёшдан $x+1$ ёшга ўтганда вафот этаётганлар сони; d_{x+n-1} – пенсия ёшига етишиш арафасида вафот этганлар сони(эркаклар l_{60} , аёллар l_{55}).
6	Пенсия ёшидан кейинги ўртача умр кўриш давомийлиги, йил	$E_w^x = \frac{\sum l_x + l_{x+1} + \dots + l_w}{l_x};$ x – ёш; l_x – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони; l_w – узок умр кўрувчилар сони (100 ёш).
7	Пенсионерлар сони (улуши),	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида

	нафар: – ёшга доир пенсия; – ногиронлик пенсияси; – боқувчисини йўқотганлик пенсияси.	
8	Ишловчи пенсионерлар сони (улуши), %да	$\text{Сони} = \frac{\text{Ишловчи пенсионерлар сони}}{\text{жами пенсионерлар сони}} 100$
<i>Ижтимоий-иқтисодий рисклар</i>		
9	ЯИМ ҳажми, трлн.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
10	Инфляция даражаси, %	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
11	Аҳоли даромади, млрд.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
12	Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
13	Ўртача пенсия миқдори, сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
14	Яшаш минимум ҳажми, сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
15	Иқтисодий фаол аҳоли сони, нафар	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
16	Иқтисодиётда банд аҳоли сони, нафар	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
17	Ишсизлар сони, нафар	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
18	Ўзини-ўзи банд қилганлар сони, нафар	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
19	Яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши, %	$\text{Улуши} = \frac{\text{яширин иқтисодиёт ҳажми}}{\text{ЯИМ}} 100$
<i>Молиявий рисклар</i>		
20	Пенсия жамғармаси даромадлари, млрд.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
21	Пенсия жамғармаси харажатлари, млрд.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
22	Пенсия жамғармаси дефицити, млрд.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
23	Давлат бюджети трансфертлари, млрд.сўм: Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида бюджет трансфертларининг улуши, %	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида $\text{Улуши} = \frac{\text{бюджет трансферт ҳажми}}{\text{Пенсия жамғармаси бюджети}} 100$
24	Давлат бюджети дефицити, млрд.сўм	Дўсиш суръати / камайиши; йиллар кесимида
<i>Меҳнат билан боғлиқ рисклар</i>		
25	Пенсия учун талаб этиладиган минимал стаж	камида 7 йил
26	Суғурта стажи	эркаклар учун – 25 йил, аёллар учун – 20 йил
27	Пенсия жамғармасига ўтказиладиган бадал миқдори	Ижтимоий солиқлар орқали иш берувчилар томонидан тўланади
29	Пенсия ёши	эркаклар – 60 ёш, аёллар – 55 ёш
30	Муддатидан олдин пенсияга чиқиш билан боғлиқ имтиёзлар	Умумий ёшни 10 йилга, 5 йилга, 2 йилга, 1 йилга қисқартирилган ҳолда пенсияга чиқиш мумкин.

Назария ва амалиётда рискларни баҳолашда бир нечта услубий ёндашувлари мавжуд бўлиб, пенсия рискларини актуар баҳолашда статистик баҳолаш усули энг мақбул вариант ҳисобланади. Ушбу усулнинг афзаллиги математик ҳисоб-китобларнинг соддалиги ҳисобланса, камчилиги сифатида эса катта ҳажмдаги статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжидадир. Яъни буни камчилик деб ҳам бўлмайди. Чунки актуар баҳолаш жараёнидан давр (йиллар, ойлар) қанчалик катта бўлса ва шунга мос тарзда маълумотлар қанчалик кўп бўлса, рискни баҳолаш (натижа) шунчалик ишончли бўлади.

Ўзбекистонда пенсионерлар сонининг йилдан йилга ўсиб бораётган бир вақтда доимий аҳоли сони ҳам ошиб бормоқда. Бу эса келажакда пенсия тизимида маълум бир рискларни юзага келтиради. Буни биринчи навбатда пенсионерлар сони ва улушининг ортишида кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 3,7 миллиондан зиёд фуқаро ёки мамлакат аҳолисининг 10,9 фоизи пенсионерлар ҳисобланади. Бунда 3,1 млн.дан зиёд киши – ёшга доир, 416 мингдан ортиқ киши – ногиронлиги бўйича, 220 мингдан зиёд киши эса – боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия олишади. Шунингдек 568 мингдан ортиқ киши – ижтимоий нафақа олувчилар ҳисобланади[9].



3-расм. Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг жамига нисбатан улуши, фоизда (2022 йил декабр ҳолатига кўра) (pfru.uz)

Пенсионерлар сонининг кўпайиши бир қатор демографик жараёнлар билан таснифланади: аҳолининг кексايиши, туғилиш ва ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиши. Пенсия тизимининг барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз пенсия тизимига мазкур ҳолат ҳозирча хавф солмаётган бўлсада, бироқ молиявий рискларнинг таъсири сезилмоқда. Биргина мисол сифатида 2019 йилдан бошлаб Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлари ўртасида фарқ юзага келаётганлиги учун давлат бюджети томонидан бюджет трансфертлари ажратилаётганлиги бунинг яққол мисолидир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон пенсия тизимига салбий таъсир кўрсатадиган рисклар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- демографик рисклар (аҳолининг кексايиб бориши, ўртача умр кўриш ёшининг ошиши ва б.);
- молиявий рисклар (Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлиги);
- макроиқтисодий рисклар (аҳоли даромадлари, яширин иқтисодиётнинг улуши юқорилиги, камбағаллик ва б.)

Шуни таъкидлаш лозимки Ўзбекистон пенсия тизими, хусусан Пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи ҳозирги кунда ёмон эмас. Аммо келажақда пенсия рисклари таъсири натижасида молиявий барқарорлиги ёмонлашмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, жумладан:

– Ўзбекистонда уч даражали пенсия тизimini ташкил қилиш керак. Бунда биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан суғурта бадали асосида муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўпланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди;

– ишловчилар учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалини қайта жорий этиш ва уч даражали пенсия тизimini ташкил қилиш орқали суғурта бадалини тўлашдан манфаатдорлигини ошириш керак. Натижада фуқаро кафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга ўз хоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пенсия олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
3. А.К.Донцова, С.А.Кувалкина, Е.А.Соловьев и др. Актуарная модель развития пенсионной системы России / - М : ГУ ВШЭ, 2003. — 30 с..
4. Peter Naan, Daniel Kemptner, Holger Lüthen, The rising longevity gap by lifetime earnings – Distributional implications for the pension system, The Journal of the Economics of Ageing, 2019, 100199.
5. А.В.Вахабов, Н.М.Мажидов “Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли” Монография. Тошкент., Университет. 2017 й. 128 б.
6. Куклин А. А., Шипицына С. Е. От теории к практике актуарного оценивания пенсионных рисков России // Экономика региона. — 2017. — Т. 13, вып. 3. — С. 717, 720.
7. Dawson W. H. Social insurance in Germany, 1883–1911. — London: Fisher Unwin, 1912. — 232 p. — P. 16.
8. Beveridge J. Beveridge and his plan. — London: Hodder and Stoughton, 1954. — 239 p.
9. www.pfru.uz – Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб сайти маълумотлари.